

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЪЗАМ ҲОМИДОВИЧ БОЛТАЕВ

**XX АСРНИНГ 20 – 80-ЙИЛЛАРИ БУХОРОДА ТАРИХИЙ
ЎЛКАШУНОСЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Аъзам Ҳомидович Болтаев

XX асрнинг 20 – 80-йиллари Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг

шаклланиши ва ривожланиши 3

Болтаев Аъзам Ҳомидович

Формирование и развитие исторического краеведения в Бухаре

в 20 – 80-гг. XX века 25

Boltaev Azam Khomidivich

Formation and development of historical local history in Bukhara in

the 20 – 80s of the XX century 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЪЗАМ ҲОМИДОВИЧ БОЛТАЕВ

**XX АСРНИНГ 20 – 80-ЙИЛЛАРИ БУХОРОДА ТАРИХИЙ
ЎЛКАШУНОСЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Tar200 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳалим Ҳожиевич Тўраев
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов
тарих фанлари доктори, профессор

Бахтиёр Эргашевич Эргашев
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларини берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.

(Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти). Тел.: (+99871) 233-54-70; факс: (+99871) 233-39-91, www.tarixinstitut.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13 уй). Тел.: (+99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ кун тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси билан.)

Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси т.ф.д.,
профессор

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи ил-
мий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н.

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи ил-
мий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўлкашунослик, худудшунослик, мамлакатшунослик каби ишларнинг олиб борилиши ва бу борадаги фикрларнинг ранг баранглиги тарихий ўлкашуносликнинг ривожига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда тарихий ёдгорликларни, моддий ва маънавий меросни ҳимоя қилиш ҳамда ўлкашунослик, тарихшунослик ва манбашунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлардан самаралироқ фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва бу соҳаларда изчил ислохотлар олиб бориш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда турли тарихий даврларда Марказий Осиёнинг тарихий-маданий минтақаларини ўлкашунослик йўналишида тадқиқ этиш, XX аср бошларидаги илмий жамиятлар фаолиятини очиб бериш ҳамда ўлканинг Россия империяси томонидан босиб олинган жараёнларини янгича ёндашувлар асосида ёритиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса сўнгги йилларда юрт тарихи ва маданияти билан қизиққан ўлкашунослар томонидан тўпланган қимматли тўпланмаларни аниқлаш, тарихий ўлкашунослик билимларининг ривожланиш жараёнини очиб бериш, археологик ёдгорликларнинг ёшини аниқлаш, ёзма манбалардаги тарихий топонимларнинг этимологик хусусиятларини очиб бериш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ўлка тарихини чуқурроқ ўрганиш имкони вужудга келди. Янги музейларни ташкил этиш, халқаро талабларга мос кўرғазмаларни яратиш ва уларда смарт технологияларни қўллаш, археологик тадқиқотларни ташкил этиш орқали тарихий ўлкашунослик йўналиши янги сифат босқичига кўтарила бошлади. Бу борада ҳукумат томонидан 2017-2027 йилларда Республика миқёсидаги, жумладан Бухоро музейи фаолиятини такомиллаштириш ва янги музейларни ташкил этиш, қадимий шаҳарларга саёҳат доирасида ички туризмни ривожлантириш ҳамда ўлканинг тарихий ёдгорликларини асраш вазифалари кун тартибига қўйилди¹. Музейларни бойитган шахсий архив жамланмаларидаги қимматли ашёлар, картографик, топографик ва этнографик материалларни ўрганиш мавзу долзарблигини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли “2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги 975-сонли "2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори // <https://lex.uz/docs/3451889>

11 декабрдаги 975-сон “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг ҳолати, ривож ва унинг турли жиҳатлари қарийб бир аср давомида яратилган катта ҳажмдаги тадқиқотлар - мақолалар, рисоалар ва монографияларда ўз аксини топди.

Мавзуни ёритишга доир илмий тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиб таснифлаш мақсадга мувофиқ: 1) совет давридаги илмий-амалий изланишлар; 2) мустақиллик йилларида нашр қилинган ишлар; 3) тадқиқ этилаётган муаммонинг хорижий олимлар томонидан ўрганилиши.

Адабиётларнинг бундай хронологик чегаралар асосида таснифланиши Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кечган ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жараёнларнинг тадқиқотлар мазмунига таъсири ва методологик парадигмаларнинг ўзгариши билан изоҳланади.

Тарихий ўлкашуносликнинг турли йўналишларига оид илмий адабиётларнинг вужудга келиши бевосита бу соҳанинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида, унинг амалий натижаси сифатида кечди. 1920-1930 йиллар айна пайтда мазкур ўлка халқлари тарихи, маданияти ва этнографиясига оид тарихий билимларнинг тўплана бориши, турли илмий жамиятлар фаолиятини ўрганилиши², муаммолар доирасининг белгиланиши билан тавсифланади.

Бухоронинг тарихий топографияси³ масаласи, тарихий обидалар ҳолати ва аждодларга етказишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ўлкашуносликдаги аҳамияти бевосита бу соҳага алоқадор бўлган шахслар ва ташкилотчилар қаламига мансуб бўлган мақолаларда⁴ мужассамлашди.

² Бартольд В.В. Занятия в Туркестанских библиотеках и музеях летом 1925 г. / Сочинения. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – С.459-460.

³ Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

⁴ Саиджонов М. *مءارف وه اوقوتغوجى* // *مءارف وه اوقوتغوجى* (Маориф ва ўқитувчи журнали). 1-қисм. – Тошкент, 1927. – № 3-4. – Б. 30-35; Шу муаллиф. *مءارف وه اوقوتغوجى* // *مءارف وه اوقوتغوجى* (Маориф ва ўқитувчи журнали). 2-қисм. – Тошкент, 1927. – № 9-10. – Б. 52-56; Айний С. *مير ارب يمارتلرى* (Мир Араб иморатлари) // *مءارف وه اوقوتغوجى* (Маориф ва ўқитувчи журнали). – Тошкент, 1927. – № 5. – Б. 35-36; Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920-1928 гг. – Ташкент, 1929. – 40 с.; Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. – Ташкент: Изд-во комитета наук УзССР, 1936. – 100 с.; Фуломов Я.Ф. Тарихий обидалар (Самарқанд ва Бухоронинг тарихий меъморчилик обидалари) // Социалистик фан ва турмуш. – 1939. – № 12. – Б. 23-25; Шу муаллиф. Ўзбекистонда қадимий обидаларни ўрганиш // Социалистик фан ва турмуш. – 1939. – № 1. – Б. 20-22.

Шунингдек, В.А. Шишкиннинг бир қатор ишларида⁵ моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ишини ташкил этилишида Бухкомстариснинг тажрибаси ҳамда воҳани археологик ўрганилишининг ўлкашунослик ривожидида тутган ўрни ўз аксини топган. Бухорода тарихий ўлкашунослик ишининг ташкил этилишида катта ўрин тутган Бухоро музейи фаолиятига оид П.Е. Корниловнинг мақолалари бу соҳа тарихини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга⁶. Бу муаллифнинг Бухоро ҳунармандчилиги тарихига доир бир қатор рисоалари⁷ мавзуни ёритишда маълум хилма-хилликни таъминлайди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Бухорони тарихий ўрганиш анча сусайди ва ушбу мавзуга оид тадқиқотлар кескин камайганлигини уруш шароити билан боғлаш мумкин.

Бу масалага эътибор урушдан кейин яна ортди ва буни ўлкашунос олим Т.Ф. Гелах фаолияти мисолида кузатиш мумкин⁸. 1940 йиллар охирида Ўрта Осиё тарихий ёдгорликлари ҳақидаги Б.Н. Засипкин томонидан умумлашма асар⁹ нашр этилди ва унда Бухоро обидаларига алоҳида эътибор қаратилди. Г.А. Пугаченкова ва Л.И. Ремпель каби олимлар томонидан чоп қилинган рисола¹⁰ ҳажмининг кичиклигига қарамасдан, маълумотларнинг тизимлаштирилгани ва Бухоро тарихига оид илк махсус тадқиқот эканлиги билан диққатга сазовордир.

1950-йилларнинг 2-ярмидан ва 1960-йилларга келиб илмий тадқиқотлар жонланди. Бухорода маданий қурилишнинг амалга оширилиши тарихига бағишланган махсус диссертацион тадқиқотда тарихий ўлкашуносликка доир масалалар ҳам ўрганилди¹¹. Шунингдек, Бухоро архитектура ва археологик ёдгорликлари ҳақидаги жиддий тадқиқотлар вужудга келди¹². Бухоронинг топографиясини ўрганишга қизиқиш ортди¹³.

Тарихий ўлкашунослик соҳаси ривожидида муҳим ўрин тутган музейлар фаолияти¹⁴, музейшунослик йўналишидаги асарларнинг¹⁵ яратилиши ўрганилаётган муаммони ёритишга катта ҳисса қўшди.

⁵ Шишкин В.А. Из опыта работы Бухкомстариса по охране памятников материальной культуры (1923-1933) // Проблемы истории докапиталистических обществ. – Л.: ГАИМК, 1934. – С. 22-45; Шу муаллиф. Археологические работы 1937 г. в западной части Бухарского оазиса. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1940. – 50 с.; Шу муаллиф. Археологическое изучение Бухарского оазиса // Научная сессия Академии наук УзССР. – Ташкент: Изд-во Академии наук, 1947. – С. 401- 414.

⁶ Корнилов П.Е. Государственный Бухарский музей // Советский музей. – М., 1931. – № 4. – С. 92-96; Шу муаллиф. Из новых работ государственного Бухарского музея // Советский музей. – М., 1932. – № 4. – С. 94.

⁷ Корнилов П.Е. Изучение искусства Средней Азии. – Бухара, 1932. – 10 с.; Шу муаллиф. Бытовое искусство Средней Азии. – Бухара, 1932. – 27 с.; Шу муаллиф. Чеканное производство Бухары. – Бухара, 1932. – 37 с.

⁸ Мазкур мақолалар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

⁹ Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – М.: Изд. Академии архитектуры СССР, 1948. – 160 с.

¹⁰ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Бухара. – М.: Изд. Академии архитектуры СССР. 1949. – 66 с.

¹¹ Рахронов Н.М. Культурное строительство в Бухаре в 1925-1932 годах.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1961. – 285 с.

¹² Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

¹³ Мазкур мақолалар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

¹⁴ Муаллифларнинг илмий изланишлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

¹⁵ Содикова Н.С., Бураков Ю.Ф. Тарихий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1963. – 88 б.; Жабборов Б. Ўлкашунослик музейи // Совет мактаби. – 1970. – № 7. – Б. 53-54; Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 173; Шу муаллиф. Маданий ёдгорликлар хазинаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 270 б.

Ўзбекистонда тарихий ўлкашунослик ривожига катта ҳисса қўшган археолог, нумизмат ва ашё йиғувчиларнинг фаолияти тадқиқотлар доирасидан жой олди¹⁶. Бу йўналишда Б.В. Луниннинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир¹⁷. Бухоро ўлкашунослиги ўрганилишида тарихчи олим, давлат арбоби М. Саиджонов фаолияти унинг номи оқланганидан сўнг айрим олимларнинг тадқиқот мавзуси бўлди¹⁸.

1970-йилларда Бухоронинг ёшини аниқлаш муносабати билан археологик қазув ишлари янгиланиб, унинг натижаси ўлароқ бир қатор мақолалар эълон қилинди¹⁹. Бухоро тарихини ўрганишда О.А. Сухарева илмий фаолияти алоҳида эътиборга сазовордир. Унинг асарлари ўлкадаги маиший ҳаёт, ҳунармандчилик, этнография ва санъат тарихини ёритишда салмоқли ҳисса қўшган тадқиқотлардандир²⁰.

Бухоро тарихининг социалистик даврига доир тадқиқотда²¹ тарихий ўлкашуносликка махсус эътибор қаратилган бўлмаса-да, ундаги маълумотлар мавзунини ўрганишда аҳамият касб этади.

Айни пайтда шуни таъкидлаш жоизки, совет даврида Ўзбекистонда тарихий ўлкашунослик йўналишини яхлит тарзда ёритувчи тадқиқотлар кам яратилди. 1974-йилда Б. Жаббаров томонидан ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси²² бу масалага доир ягона махсус тадқиқот бўлиб, унинг хронологик доираси 1918-1932 йилларни қамраб олган ва кейинги жараён ҳақида маълумот берувчи ҳеч қандай ишлар мавжуд эмас. Бу бўшлиқни маълум маънода тарихий ўлкашунослик ривожини ҳақида умумий тушунчаларни берувчи Р.Набиев муаллифлигидаги²³ олий ўқув юртлари учун мўлжалланган дарслик тўлдирди.

Ўзбекистон мустақиллиги жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлганидек, тарих фани ва тарихий тадқиқотлар мазмунини ҳам тубдан ўзгартирди. Тарих фани назарий-методологик муаммолари²⁴, соҳалари ривожига доир тадқиқотларда тарихий ўлкашунослик масалаларига ҳам эътибор қаратилди²⁵. Тарихий ўлкашунослик ривожига этнографик тадқиқотларнинг аҳамияти ва ўрни кўрсатилди²⁶. Фаннинг ҳолати, унинг

¹⁶ Чабров Г. Узбеки-археологи дореволюционного Туркестана // Звезда Востока. – 1957. – № 1. – С. 144-146.

¹⁷ Мазкур муаллифнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

¹⁸ Абдураимов М. *М.Саиджоновнинг* илмий мероси // Шарқ юлдузи. – 1972. – № 9. – Б. 130-139; Шу муаллиф. Ёш бўлса ҳам бош бўлган эди // Фан ва турмуш. – 1974. – № 4. – Б. 32-33.

¹⁹ Мазкур мақолалар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

²⁰ Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

²¹ Авалов М.М. История социалистической Бухары (1946-1975 гг.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1981. – 210 с.

²² Джаббаров Б. Возникновение и развитие исторического краеведения в советском Узбекистане (1918 – 1932 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1974. – 20 с.

²³ Набиев Р. Тарихий ўлкашунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 156 б.

²⁴ Алимова Д. История как история, история как наука. Т. I. – Ташкент: Узбекистан, 2008. – 277 с.; Шу муаллиф. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. – Ташкент, 2018. – 640 с.

²⁵ Горшенина С.М. Становление и развитие системы изучения истории искусств Средней Азии в Узбекистане: конец XIX века первая половина XX века (историографические аспекты): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 198 с.; Дониёров А. Этнографические исследования в Узбекистане в XX веке: основные этапы, проблемы, перспективы развития: Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 57 с.

²⁶ Джаббаров И. Этнография и историческое краеведение в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. (Кейинчалик – ОНУ). – 1995. – № 5-6-7-8. – С. 156-163.

таркибий қисми бўлган тарихий ўлкашунослик тарихини таҳлил қилиш орқали, унинг замонавий босқичдаги вазифаларига доир мулоҳазалар тақдим қилинди²⁷.

Бухоро музейлари фаолиятига доир тадқиқотлар бевосита ўлкашунослик соҳасининг ҳолати ҳақидаги маълумотларни мужассамлаштириб, мавзу тарихшунослигини бойитишга хизмат қилди²⁸. Турли соҳалар тарихи музейлари, уй-музейлари ҳақидаги мақолаларда²⁹ бу муассасалар кўргазмалари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда Бухоро ўлкашунослиги масалалари ҳам бевосита ўз аксини топди.

Бухоро археологик тадқиқотлар объекти сифатида доимо олимлар, археологлар диққат эътиборида бўлиб келган. Албатта бу ўринда Е.Г. Некрасованинг³⁰ ушбу ҳудудда олиб борган ишлари Бухоронинг археологик ўрганилишида алоҳида ўрин тутди. Профессор Ф.Ҳ. Қосимов қаламига мансуб қатор мақолалар³¹ Бухорони археологик ўрганишда, изланишларни ташкил этишда дарғалик қилган академик Я. Ғуломов хизматларини ёритишга бағишланди. Шунингдек, Бухоро меъморий ёдгорликларини ўрганиш ҳам муҳим мавзулар қаторидан жой олди³².

Бухоро ўлкашунослигида шу юрт зиёлилари қаламига мансуб ишлар, ноёб асарлар тўпланган кутубхоналарининг ўрни ва роли тарихчилар томонидан ўрганилди³³. Тарихий манбаларни тўплаш, ўрганиш, асраш ва ўлка тарихини ёритишдаги аҳамияти каби масалалар бир қатор ишларда акс этди³⁴. Амир Музаффар ўғилларининг тарих соҳасидаги фаолияти илгари ўрганилмаган мавзу бўлиб, тадқиқотчилар уни ёритишга қўл урдилар³⁵.

Қ. Ражабов бошчилигида яратилган Бухоро вилояти ва туманлари тарихига доир қисқача маълумотнома туркуми тарихий ўлкашунослик ҳақидаги қатор материалларни мужассамлаштиради³⁶. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига педагог

²⁷ Лунин Б.В. Ўзбекистонда ўлкашунослик тарихи // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – 2000. – №1-2 (9-10). – Б. 116-122.

²⁸ Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

²⁹ Хабибулина М. Музей “История водоснабжения Бухары” // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 2. – Бухара: Бухоро, 1994. – Б. 54-61; Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи // Мозийдан садо. – 2003. – № 1(17). – Б. 26-28; Тўраев Ҳ. Тасаввуф тарихи музейи // Мозийдан садо. – 2005. – № 4 (28). – Б. 8-11; Пулатова М. Некоторые сведения из истории дома музея Ф.Ходжаева // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 9. – Бухара: Бухоро, 2004. – Б. 13-17.

³⁰ Мазкур муаллифнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

³¹ Қосимов Ф.Ҳ. Из истории археологического изучения Бухары // O‘zbekiston tarixi. – 2003. – №3. – С. 50-58; Шу муаллиф. Академик Яҳё Ғуломов ва Бухоро қадимшунослиги // Ўзбекистон тарихи ва археология фанининг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2003. – Б. 30-31; Шу муаллиф. Ўзбек қадимшунослигининг дарғаси // БухДУ Илмий ахборотлари. – 2006. – №1. – Б. 6-9.

³² Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

³³ Мазкур асарлар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

³⁴ Остонова Г. Бухородаги қўлёмалар бозори // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2004. – №3. – Б. 204-206; Шу муаллиф. Аждодлар меросини ўрганиб (тарихий меросимиз тадқиқотчиси) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2005. – № 1. – Б. 53-54; Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси: Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 180 б.

³⁵ Мазкур мақола ва рисоалар тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида ўз аксини топган.

³⁶ Ушбу муаллифларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

олимлар махсус мурожаат қилдилар³⁷.

Мустақиллик йилларида тарихий ўлкашунослик масалаларининг турли жиҳатларини ёритишда, унга доир билимларни оммалаштиришда даврий нашрлар муҳим ўрин тутди. Янги ташкил этилган “Мозийдан садо”, “O‘zbekiston tarixi” журналлари саҳифаларида тарихчи олимлар томонидан бу мавзуга доир мақолалар мунтазам равишда чоп этилди.

Сўнгги йилларда Ж. Хамидов (Тожикистон), А.В. Киселев, А.П. Кара (Россия) каби олимлар тарихий ўлкашуносликнинг ҳолати ва ривожини айрим жиҳатларини маълум хронологик доирада диссертацион тадқиқотларда ёритишга муваффақ бўлдилар³⁸. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари биз ўрганаётган муаммонинг назарий жиҳатларини ўзлаштиришга кўмаклашади.

Хорижий тадқиқотларга мисол қилиб Ч.А. Стори, М. Холдсворт, Ж. Уилер, С. Беккер, Ю. Брегел, Б. Шмитц, Р. Фрай, А. Кюгельген, А. Андижоний каби хорижий олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин³⁹. Бу тадқиқотчиларнинг изланишларида Бухоро тарихи масалалари, ўлкашунос олимлар фаолияти таҳлили ва ўлкада тузилган илмий жамиятлар ҳақида айрим маълумотлар мавжуд.

Шунингдек, мазкур тадқиқотлар таҳлили Бухорода илмий жамият, ўлкашунослик музейининг ташкил топиши ва унинг мақсад-вазифалари, археолог-ўлкашуносларнинг илмий фаолияти бирмунча ёритилган бўлишига қарамай, уларда музейнинг илмий фаолияти, мактаб билан ҳамкорлиги, маҳаллий ашё тўпловчилар ва ўлкашуносларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ масалалар тўлақонли тарзда ўз аксини топмаганлигини кўрсатди. Шуларни ҳисобга олиб Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши ва ривожланишига оид махсус илмий тадқиқот яратишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган ИТ-01-32-2015-2020 – “Бухоро тарихининг долзарб муаммолари”

³⁷ Раҳимов Ж. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 151 б.

³⁸ Хамидов Джума. Зарождение и становление исторического краеведения в Таджикистане (вторая половина XIX в. – 1941 г.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Худжанд, 1997. – 25 с.; Киселев А.В. Краеведческое движение в России 1917-1930 гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Кемерово, 2002. – 203 с.; Кара А.П. Развитие исторического краеведения как явление социально-культурной жизни российского общества в 20-90 гг. XX в.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Владикавказ, 2012. – 230 с.

³⁹ Stori C.A. Persian Literature: A bio-bibliographical survey. Pt. I. Fas. 2. Special histories of Persia. Central Asia and the remaining parts. – London. 1936; Шу муаллиф. Персидская литература. Био-библиографический обзор. – М.: Наука, 1972. Т. II. – С.1177-1178; Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – P. 9-16; Wheeler G. The modern history of Soviet Central Asia. – London: Weidenfeld and Nicolson, 1966. – P. 272; Becker S. Russias protectorates in Central Asia, Bukhara and Khiva. 1865-1924. – Cambridge, 1967. – P. 254; Bregel Y. Bukhara / Encyclopaedia Iranica. Vol. IV. Fas. 5. – London and New York, 1989. – P. 514-520; Шу муаллиф. The Administration of Bukhara under the Manghits and Some Tashkent Manuscripts. – Bloomington: Papers on Inner Asia 34, 2000. – 36 p.; Schmilz B. The Bukharian School of Miniature paintings Bukhara // Encyclopaedia Iranica. Vol. IV. Fas. 5. – London and New York, 1989. – P. 527-530; Richard N. Frye. The history of Bukhara by Narshakhi // Из истории культурного наследия Бухары. – Вып. 2. – Бухара: Бухоро, 1994. – С. 4-17; Кюгельген А. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – 516 с.; Аҳад Андижоний. Туркистон учун кураш / Туркчадан таржима Тохир Қаҳҳорга тегишли. – Тошкент: Тафаккур, 2017. – Б. 374-379.

мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда шахсий тўпланмалардаги ноёб ашёлар, картографик, топографик ва этнографик ашёларнинг бугунгача ечимини топмаган масалаларни тадқиқ этишдаги аҳамиятини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланишида илмий муассасалар ўрнини аниқлаш;

ўлка тарихини ўрганишда Бухоро музейлари илмий-маърифий фаолиятини атрофлича очиб бериш;

Бухоро шаҳри тарихий топографияси, тарихий ёдгорликларнинг совет давридаги аҳволи ҳамда мудофаа деворларига нисбатан амалга оширилган тадбирларнинг салбий оқибатларини кўрсатиш;

С.Н. Юренев, Ф. Водопшин, А. Миллер, А. Нуруллаев, А. Ивков, А. Ғаниев, Б. Насимов, Ш. Камолов ва Ҳ. Ҳамидов каби маҳаллий ўлкашуносларнинг тўпланмаларини ўрганиш ва уларнинг тарихий ўлкашунослик учун аҳамиятли жиҳатларини аниқлаш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX асрнинг 20 – 80-йиллари Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши, ривожланиши ва ҳолати ҳамда маҳаллий ўлкашунослар илмий-маданий мероси белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини Бухородаги дастлабки илмий жамият ва муассасалар фаолияти, ўлкани тадқиқ қилишда ўлкашунос олимларнинг ҳиссаси, тарихий ўлкашунослик ривожига маҳаллий ашё йиғувчилар ва улар меросини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кичиктарих, қиёсий, миқдорий таҳлил, суҳбат, топографик кузатув каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Бухоро музейи томонидан ташкил қилинган илмий тадқиқот сафарлари ва кўргазмалар ҳамда мактаб билан ҳамкорлик ишлари (ўлкашунослик хоналари, тўгараклари ва бурчакларининг ташкил этилиши) тарихий ўлкашуносликнинг шаклланишига ва соҳа ривожига асос бўлганлиги очиб берилган;

М.Й. Саиджонов ва И.И. Умняковларнинг тадқиқотлари Бухоро шаҳрининг ўрта асрлар топографиясида мавҳум бўлиб турган шаҳристоннинг жойлашган ҳудуди, чегаралари, шаҳарсозликдаги ўрни каби масалаларга ойдинлик киритганлиги далилланган;

Т.Ф. Гелах ва С.Н. Юреневларнинг ҳукуматга қилган тинимсиз мурожаатлари, илмий-хужжатли далиллари ва шахсий жонбозликлари туфайли Бухоро шаҳри мудофаа деворининг ғарбий қисми, “Мухаммад Шариф масжиди” ва “Чуқур мадраса” сингари ёдгорликлар ҳамда Бухоро атрофидаги тарихий тепаликлар сақлаб қолинганлиги асослаб берилган;

маҳаллий ўлкашунослар тўпланмасидаги ноёб фотосуратлар ва картографик чизмалар орқали бугунги кунгача сақланиб қолмаган Бухородаги айрим меъморий ёдгорликлар (Тоқи Тиргарон, Тоқи Ордфурўшон, Шодимбий, Бозори гусфанд, Уста Рухи мадрасалари ва б.)нинг жойлашган ўрни аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилар:

тадқиқотда XX асрнинг 20-80-йилларда Бухоро ўлкашуносларининг 41 та кундалиги ва ён дафтарчалари, 2000 дан ортиқ мактуб, 28 та дала тадқиқот ёзувлари, 6 та шахсий архив жамланмалари, 16 нафар ашё йиғувчининг 5 мингга яқин ноёб ашёлари аниқланиб, илмий истеъмолга киритилган.

тарихий ўлкашуносликка доир илмий адабиётларда акс этмаган, жумладан, ўлкадаги тарихий тепаликлар, ўлкашунос олимларнинг эпистоляр мероси ва ўлкашунос ашё йиғувчиларнинг фаолияти ҳамда тўпланма буюмлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, Ўзбекистон миллий архиви, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат архив жамланмалари, Маданий мерос департаментининг Бухоро бўлими ҳужжатлари, дала тадқиқот материаллари, ноёб буюмлар тўпланмаси каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўлкашуносларнинг шахсий архив ва тўпланмасини тўпланлаштириш, илмий тавсифлаш ҳамда тарихий ўлкашунослик, хусусан, Бухоро ўлкашунослиги каби фанларга оид дарсликлар, ўқув ҳамда услубий қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда ҳамда Ўзбекистонда тарихий ўлкашунослик йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларнинг назарий хулосаларини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар ўлка тарихи, моддий ва маънавий мерос намуналарини ўрганиш, давлат ҳамда ўлкашунослик музейларидаги мавжуд кўرғазмаларни янгилаш, Бухорода туристик хизматни янада ривожлантиришга бағишланган давлат дастурларининг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрнинг 20 – 80-йиллари Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлари асосида:

Маҳаллий ўлкашунослар тўпланмасидаги ноёб фотосуратлар ва картографик чизмалар орқали бугунги кунгача сақланиб қолмаган Бухородаги айрим меъморий ёдгорликларнинг жойлашган ўрни тўғрисидаги тадқиқот маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг

бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан “Бухоро мероси” илмий тадқиқот марказида бажарилган 35-06-15 рақамли “Бухоро вилоятида ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги билимларини ошириш”(2015-2016 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (“Бухоро мероси” илмий-тадқиқот марказининг 2017 йил 3 январдаги 30-сон маълумотномаси). Қўлланилган натижалар ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги билимларини ошириш ҳамда ёш тадқиқотчилар илмий фаолиятини янада жадаллаштиришга асос бўлган;

Бухоро музейи томонидан ташкил қилинган илмий тадқиқот сафарлари ва кўргазмалар ҳамда мактаб билан ҳамкорлик ишлари тарихий ўлкашуносликнинг шаклланишига ва соҳа ривожига асос бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлардан музей кўргазмасини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 01-12-10-153-сон маълумотномаси). Илмий изланиш натижаларининг қўлланилиши нафақат музей ҳужжатлар жамланмасини тўлдиришда, кенг жамоатчиликнинг ҳамда ташриф буюрувчи сайёҳларнинг ўлкамиз тарихига бўлган эътиборини янада ортишига хизмат қилган;

М.Й. Саиджонов, С.Н. Юренив ва Т.Ф. Гелах каби ўлкашуносларнинг бой илмий мероси: кундалик, ҳисобот, архив ҳужжати ҳамда тўпланмаларига оид маълумотлардан Бухоро вилоят телевидениесининг “Асрларнинг асраганлари”, “Жаҳон тамаддуни дурдоналари”, “Менга сўз беринг”, “Ассалом, Бухоро”, “Муносабат” каби телекўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 27 мартдаги 1/166-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамал ва илмий далилларга бой бўлишига, шунингдек, кўрсатувларнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга ҳамда янги манбалар билан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманлар ва конференцияларда, шу жумладан, “3 Uluslararası sosyal bilimler kongresi” (Ankara, 2018), “International scientific and practical conference innovative ideas of modern youth in science and education” (February 26-27, 2019, USA), International scientific conference “Continual education in stable development: problems and solutions” (Чирчик, 2019), “Россия – Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития” мавзусидаги 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та рисола, Жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (улардан 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта асосий боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухородаги тарихий ўлкашунослик ривожда илмий жамият ва муассасаларнинг ўрни”** деб номланган биринчи боби Бухорода тузилган илмий жамият, яъни “Тарихи анжуман” ва Бухоро музейининг тарихи, унинг илмий фаолияти ҳамда тарихий ўлкашунослик ривождаги ўрни масалаларига бағишланади.

XX асрнинг 20-йилларида ёш бухороликлар ва жаҳид зиёлилари ташаббуси билан маориф, таълим-тарбия, дунёвий билимларни ёшларга ўргатиш соҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бухоролик зиёлилар томонидан ўлкадаги қадимий обидаларни муҳофаза қилиш, халқ амалий санъатини ривожлантириш, қадимий кўлёмаларни йиғиш, археологик ашёлар ва халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб тадқиқ этиш ишлари билан шуғулланадиган жамият - “Тарихи анжуман” ташкил этилди⁴⁰.

“Тарихи анжуман” жамияти таркиби етти кишидан ташкил топиб, улар олдидаги вазифа Бухоро аркидаги бинолар ва ундан ташқаридаги тарихий ёдгорликларни тарихий-этнографик, топографик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда рисола яратишдан иборат бўлган. Шунингдек, Бухорода амирлик тузуми ағдарилгандан сўнг эътиборсиз қолдирилган осори-атиқалар, шу жумладан, шаҳарнинг қадимги, ўрта ва сўнги ўрта асрларга оид ёдгорликларини чуқур ўрганиш ҳамда уларни сақлаб қолишдек масъулиятли вазифа юклатилади.

Мазкур ташкилот илмий фаолияти тезда ўз натижасини берди ва Носируддинтўра раҳбарлигида 1921-1922 йилларда “Таҳқиқоти Арки Бухоро” асари тайёрланди. Ушбу тадқиқотда Аркнинг бунёд этилиши ва ундаги биноларнинг қурилиш тарихига алоҳида тўхталиб ўтилади⁴¹.

Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва моддий маданият ёдгорликларини сақлаш ҳамда таъмирлаш масалалари билан шуғулланувчи Бухкомстариснинг вужудга келиши сабабли 1925 йилда “Тарихи анжуман” илмий жамияти ўз фаолиятини тўхтатади.

⁴⁰ Бу жамият 1921 йилда ташкил топган. Қаранг: Ўз МА. Р-2678-жамланма, 1-рўйхат, 107-йиғма жилд, 2-варак; Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Бухоро илмий жамияти. Т.П. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б.770-771.

⁴¹ Саййид Мухаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро (Бухоро арки ҳақида тадқиқот). /Таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ. Каримовники. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – Б. 8-9.

“Тарихи анжуман” тугатилган бўлишига қарамай, бу жамиятнинг тадқиқот ишлари кейинги авлод ўлкашунослари томонидан давом эттирилди. Средазкомстарис ва Бухкомстариснинг аъзолари В.В. Бартольд, И.И. Умняков, В.Л. Вяткин, Б.Н. Засипкин, В.А. Шишкин, Э.А. Шмидт, Д.И. Нечкин, А.А. Семёнов ва Бухоро ўлкашунослик музейи илмий ходимлари П.Е. Корнилов, Т.Ф. Гелахлар томонидан 1925-1940 йиллар давомида ўлкашунослик доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари, илмий тадқиқот сафарлари “Тарихи анжуман” илмий жамияти фаолиятининг манتيқий давоми ҳисобланади.

1940 йил М.С. Андреев раҳбарлигида Бухорони ўрганиш учун илмий тадқиқот сафарлари ташкил этилди ва унинг таркибида О.Д. Чехович, М.С. Юсупов, Н.И. Русинова ва Л.И. Ремпель бор эди. Булар ҳам худди “Тарихи анжуман” илмий жамияти сингари Бухоро шаҳрининг топографияси, хунармандчилиги, суд ишлари, вақф ҳужжатлари, геологияси ва тарихий ёдгорликларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олган эдилар. Тадқиқот натижалари “Арк Бухары” китобида жамланади⁴². Бу китобни ёзишда муаллифлар “Тарихи анжуман” жамиятининг илмий хулосалари ва Носируддинтўранинг “Таҳқиқоти Арки Бухоро” асаридан ҳам фойдаланишган.

Айрим тадқиқотчилар М.С. Андреев раҳбарлигида Бухорода амалга оширилган илмий тадқиқот ишларини “Тарихи анжуман”нинг такрори деб ҳисоблайди⁴³. Лекин илмий гуруҳ аъзолари “Таҳқиқоти Арки Бухоро”дан фойдаланган ҳолда Носируддинтўра тадқиқотидаги айрим ўрганилмаган жиҳатларни ўз изланишлари билан тўлдиришган. Шунингдек, М.С. Андреев ва О.Д. Чеховичнинг “Арк Бухары” китоби Носируддинтўра тадқиқотидан фарқли ўлароқ, арқда жойлашган биноларнинг координатлари тўғрисида аниқ маълумот беради. М.С. Андреев тадқиқотига аркнинг XX аср бошларидаги топографик харитаси илова қилинган. Бу харита Бухоро шаҳрининг тарихий топографиясини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга, чунки унгача тузилган хариталарда айрим ноаниқликлар учрайди. Носируддинтўра тадқиқотида эса бирор хил харита, чизма ёки кўрсаткич учрамайди.

Олиб борилган сермашаққат фаолият натижасида Бухорода 1922 йил 8 ноябрда биринчи музей очилди⁴⁴. Музей очилишида Маориф нозири бошчилигидаги “Тарихий осори-атика шўъбаси”нинг 1920-1922 йиллардаги самарали фаолиятини ҳам алоҳида эътироф этиш даркор.

Бухорода биринчи музей аввалги Рус-хитой банки биносида жойлашади. Музей бешта хонадан иборат бўлиб, унда ҳар хил қадимий ашёлар жамланган эди. Йиғилган ашёлар 168 тани ташкил этиб, улар матолар, қошғар вазалари, сопол буюмлар, қўлёмалар, мисгарлик ва заргарлик буюмларидан иборат бўлган. Кўрғазма яратиш борасида ҳали етарли тажриба тўпланмагани, ташкил этилган кўрғазма амирлик тузумининг

⁴² Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. – Душанбе: Дониш, 1972. – С. 76.

⁴³ Заҳидова С.А. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухорода шахар маданияти тараққиёти (Носируддин ибн Амир Музаффарнинг “Тухфат уз-зоирийн” асари маълумотлари асосида): Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. ... автореф. – Тошкент: 2008. – Б. 87.

⁴⁴ Альмеев Р.В. Бухара город-музей. – Ташкент: Фан, 1999. – С. 17.

танқидчисига эмас, аксинча тарғиботчисига айланиб қолганлиги сабабли бу кўргазма 1924 йили вақтинча ёпиб қўйилади.

1925 йил Средазкомстарис топшириғи билан учта вилоятда, яъни Хоразм, Бухоро, Фарғонада ўлкашунослик ишларини этнография, антропология ва атамашунослик соҳалари билан биргаликда олиб бориш ҳамда музей ишларини қайта жонлаштириш вазифаси қўйилади⁴⁵. Бухорода музей иши Наркомпрос (Маориф халқ комиссарлиги) ихтиёридан олиниб, Бухкомстарисга топширилади⁴⁶. Бухкомстарис аъзоларининг саъй-ҳаракати билан Кўкалдош мадрасасида 1927 йил 22 июнда музей очилади⁴⁷ ва янги кўргазма ташкил қилинади.

Бухоро ўлкашунослик музейида 1930 йилдан эътиборан янги давр бошланди. Музей жамланмаси археология, этнография, зоология (табиат) ва нумизматика ашёлари билан бойитилди. Шунингдек, музей ходимларининг малакаси, сони ва таркибига эътибор қаратилди. Директор ўринбосари П.Е. Корнилов раҳбарлиги ва ташаббуси билан Ёждувон, Вобкент, Шофиркон туманларида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди⁴⁸. XX аср 30-йилларида Бухоро музейи Ленинграддаги Эрмитаж, Третьяков галереяси, Совет инқилоби музейлари билан алоқа ўрнатди⁴⁹. Бунинг натижасида музей ҳузурида илмий кенгаш ҳамда турли жамиятлар билан ҳамкорлик кенгашлари тузилди.

XX аср 30-йилларининг ўрталарида бутун Россияда ўлкашунослик музейларининг умумий тизими яратилиб, ўлкашунослик музейларида тарих, табиат ва социалистик қурилиш бўлимларини тузиш режалаштирилди⁵⁰. Бу ишлар Бухоро ўлкашунослик музейида ҳам ташкил этилди.

1940 йил Бухоро шаҳар советининг йиғилишида музейни Кўкалдош мадрасасидан арқа кўчириш масаласи кўрилади. Арқа музей очилиши 1941 йил 7 октябрь санасида режалаштирилади ва учта бўлим – тарих, социалистик қурилиш ва табиат бўлимларини ташкил этиш керак эди.

1941-1945 йиллари музей фаолиятида анча сусайиш кўзга ташланади. Бу жараён республиканинг барча музейларига хос бўлиб, бунга аксарият етакчи илмий ходимларнинг урушга сафарбар қилинганлиги сабаб бўлган. Иккинчи жаҳон урушигача Ўзбекистонда 12 та давлат музейидан 9 таси ўлкашунослик, 1 таси тарих, 1 таси бадиий ва 1 таси табиат музейи эди⁵¹.

СССР Министрлар Совети Маданий оқартув ишлари бўлими раҳбари Н. Баранов 1948 йил 22 октябрда Бухоро ўлкашунослик музейи директори

⁴⁵ Бухоро вилоят давлат архиви. 629- жамланма, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 2,3,4-варақлар.

⁴⁶ Ўша даврда бу ташкилотни Мусо Саиджонов ва илмий маслаҳатчи Б.И.Буткевич бошқарар эди.

⁴⁷ Ўз МА. 394-жамланма, 1-рўйхат, 309- йиғма жилд, 72-варақ.

⁴⁸ Ўз МА. 94-жамланма, 5-рўйхат, 843-йиғма жилд, 16-варақ; Корнилов П.Е. Государственный Бухарский музей // Советский музей. – М., 1931. – №4. – С. 92-96.

⁴⁹ Альмеев Р.В. Бухара город-музей. ... – С.20.; Курбанов Г.Н. Бухарскому краеведческому музею-60 лет //Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1983.№1. – С.64-65; Корнилов П.Е. Государственный Бухарский музей //Советский музей. – М., 1931. – №4. – С. 92-96.

⁵⁰ Музейное дело в России. 3-е изд. /Под редакцией М.Е.Каулен, И.М. Коссовой, А.А. Сундиевой. – М.: Издательство “БК”, 2010. – С. 149.

⁵¹ Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида): Тарих фан. ном. дисс. ... – Тошкент, 2009. – Б. 15.

С. Жўраевга юборган хатида музей ишини ривожлантириш, музейда илмий ишларни жонлантириш ва музейни мактаб қошидаги ўлкашунослик тўғараклари билан алоқаларини мустақамлаш тўғрисида фикр бирдирилади⁵². Натижада дастлаб Шофиркон туманидаги М. Горький ва Бухоро шахридаги Ушинский номли мактабларда ўлкашунослик тўғараклари ташкил этилади⁵³.

Музей ва мактаб ҳамкорлиги доирасида шахар мактабларида ўлкашунослик тўғаракларини очиш, уларга музей томонидан методик ёрдам кўрсатиш режалаштирилади. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб музейда мактаб ўлкашунослиги йўналишида иккита тўғарак ташкил этилган бўлиб, унга мактаб ўқитувчиларига машғулот дарслари ташкил этилади. 1962 йил бошида тўғаракни 10 нафар ёш ўлкашунос битиради⁵⁴. Машғулотлардан кейин тўғарак аъзолари аттестациядан ўтказилган.

Музей ходимларининг илмий-тадқиқот ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Музейнинг биринчи илмий нашри 1965 йил “Илмий мақолалар тўплами” номи остида нашр этилади⁵⁵.

Музей ходимларини тажриба алмашиш ва амалиёт ўташ учун Рига шахри музейига (М. Пўлатова), тарихий ашёлар йиғиш ишларини ўрганиш учун Қозон шахрига (Ш. Аvezова), тасвирий санъат асарларини йиғишни ўрганиш учун Тошкент шахрига (Э. Аҳмедова), тажриба орттириш мақсадида Владимир-Суздаль музейига (К. Хусенова) юборилади⁵⁶.

Шунингдек, бу даврда музей қошида харид кенгаши фаолият олиб боради. Илмий ходимлар ашё йиғиш учун махсус илмий сафарлар уюштиришади⁵⁷. XX аср 80-йилларига келиб музей жамланмасида 55 мингга яқин ашё йиғилади⁵⁸. Бунга кўшимча сифатида музейда кутубхона фаолият юритган ва унда 23 мингдан зиёд китоб ва журналлар жамланган⁵⁹. Бухоро музейига ташриф буюрувчиларнинг сони ҳам йилдан-йилга ошган. Масалан, 1930 йил 25 минг⁶⁰, 1938 йил 39 минг⁶¹, 1950 йил 33 минг⁶², 1960 йил 100 мингдан зиёд бўлса, 1970 йил 310 миндан ортиқ, 1986 йилда 1 миллиондан ва 1989 йил 2 миллиондан зиёд томошабин ташриф буюрди.

Хуллас, илмий жамият ва муассасалар олиб борган фаолият натижасида Бухорода тарихий ўлкашунослик соҳаси шаклланиб, босқичма-босқич такомиллашиб борди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Бухоро шахри топографияси ва меъморий обидалари тарихий ўлкашуносликнинг муҳим объектлари

⁵² Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 15- йиғма жилд, 63-варақ.

⁵³ Тўғарак лойиҳаси бўйича ёзги таътилда мактаб ўқувчиларига Бухоронинг тарихий ёдгорликларига саёҳат ташкил қилинади ва кузатишлар пайтида ёш ўлкашунослар томонидан турли тарихий ашёлар йиғилади. Бунинг натижасида музей қошида мактаб ўлкашунослиги хонасини ташкил этиш режалаштирилади.

⁵⁴ Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 26- йиғма жилд, 31-варақ.

⁵⁵ Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 16- йиғма жилд, 42-варақ

⁵⁶ Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 129- йиғма жилд, 185-варақ.

⁵⁷ Улар Ромитан, Пешкў, Шофиркон, Қизилтепа, Вобкент, Ғиждувон ва Бухоро туманларига бориб аҳолидан нодир осори-атиқа намуналарини сотиб олишади.

⁵⁸ Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 105-йиғма жилд, 142-варақ.

⁵⁹ Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 198-йиғма жилд, 21-варақ.

⁶⁰ Ўз МА. 94- жамланма, 5-рўйхат, 843- йиғма жилд, 19-варақ.

⁶¹ Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 221-варақ.

⁶² Бухоро вилоят давлат архиви. 1175- жамланма, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 129-варақ.

сифатида” деб номланиб, унда шаҳар топографияси, тарихий бинолари, мудофаа иншоотларининг қурилиши ҳамда уларга нисбатан совет даврида амалга оширилган чора-тадбирлар ва унинг оқибатлари таҳлил қилинди.

Илк ўрта асрларда Бухоро учта табиий тепалик устида жойлашган кичик шаҳар-қўрғондан иборат бўлган. Уч тепаликнинг умумий майдони тахминан 22-25 гектарни ташкил этган. Мамлакатимиз худудидаги қадимий шаҳарлар то Россия империяси истилосига қадар асосан арк ёки ўрда, шаҳристон, рабод ва бозордан иборат бўлган. Бу Бухоро шаҳри архитектураси учун ҳам хос ҳолат эди. Бухоро шаҳристуни етти дарвозадан⁶³ иборат бўлиб, уларнинг номланиши ва жойлашув ўрни Наршахий, Мақдисий, Истахрий ва ибн Хавқалнинг маълумотлари билан қиёсий таҳлил қилиниб, дарвозаларнинг жойлашган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинди ва маълум маънода бунга эришилди.

Регистон майдонидаги бинолар, “Чаҳор гумбазон” мавзеида жойлашган Сомонийлар мақбараси ва улар томонидан қурилган саройлар шаҳар тарихий топографиясида ўз ўрнига эга эканлигини И.И.Умняков ўз тадқиқотида қайд қилади⁶⁴.

Ўтган асрнинг 20-йилларидан кейин Бухоро шаҳри тарихий топографиясида кескин ўзгаришлар содир бўла бошлаганлиги сабаб, тарихий топография масаласи олимларнинг диққатини тортди ва тадқиқот объектига айланди. Чунки шаҳарни асл ҳолича сақлаб қолиш ва бунга имконият яратиш учун даставвал уни ҳар жиҳатдан, хусусан, қўлёзма манбалар, эски хариталар асосида ўрганиш талаб этиларди. Бу соҳа билан жиддий шуғулланганлардан И.И. Умняков⁶⁵, В.В. Бартольд⁶⁶, М.Й. Саиджонов⁶⁷, О.А. Сухарева⁶⁸, А.Р. Муҳаммаджонов⁶⁹, Л.И. Ремпель⁷⁰, Ж.К. Мирзааҳмедовлар⁷¹ кўл ургани ва бу борада эътиборга молик ютуқларни қўлга киритгани диққатга сазовордир.

⁶³ Дарвозаи Бозор, Дарвозаи Шаҳристон, Дарвозаи Бани Саъд, Дарвозаи Бани Асад, Дарвозаи Кабирийа, Дарвозаи Ҳафс ва Дарвозаи Нав.

⁶⁴ Умняков И.И. К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары // Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. Э.А. Шмидта. – Ташкент, 1923. – С. 147-155.

⁶⁵ Шу муаллиф. Шу жойда.

⁶⁶ Бартольд В.В. Места домусульманского культа в Бухаре и ее окрестностях // Соч. в 9-и томах. Т. -II. Ч.2. – М.: Наука, 1964. – С. 471-481; Шу муаллиф. Бухара. Ее памятники и их судьба // Соч. в 9-и томах.-IV. – М.: Наука, 1966. – С.280-281.

⁶⁷ Саиджонов М. مءارف وه اوقوتغوجى // اراخود شهري وه ىكسيۇ ىرملانب (Маориф ва ўқитувчи журнали). 1-қисм. – Тошкент, 1927. – № 3-4. – Б. 30-35; Шу муаллиф. مءارف وه اوقوتغوجى // اراخود شهري وه ىكسيۇ ىرملانب (Маориф ва ўқитувчи журнали). 2-қисм. – Тошкент, 1927. – № 9-10. – Б. 52-56.

⁶⁸ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Наука, 1958. – 150 с.; Шу муаллиф. Квартальная община позднефеодального города Бухары. – М.: Наука, 1976. – 363 с.; Шу муаллиф. Очерки по истории среднеазиатских городов // История и культура народов Средней Азии. – М.: Наука, 1976. – С. 132-148.

⁶⁹ Мухамеджанов А.Р. “Наводир” муаллифининг нодир харитаси // Фан ва турмуш. 1964. № 8. – Б. 14-16; Шу муаллиф. Историко-топографический план Бухары Ахмада Дониша // Общественные науки в Узбекистане. – 1965. № 5. – С. 31-42.

⁷⁰ Ремпель Л.И. Из истории градостроительства на Востоке(материалы по планировке старой Бухары) // Искусство зодчих Узбекистана. – Ташкент: Наука, 1962. – С. 211-266; Шу муаллиф. Далекое и близкое. Бухарские записки. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имя Г.Гуляма, 1982. – 301 с.

⁷¹ Мирзаахмедов Дж. К изучению исторической топографии Бухары района мавзолея Саманидов // ИМКУ. – Вып. 19. – Ташкент: Издательство Наука Узбекской ССР, 1984. – С. 221-237.

Бухкомстарис аъзолари томонидан Бухоро шаҳридаги тарихий жойлар, Арк, Шаҳристон, Регистон ва улардаги тарихий биноларнинг жойлашуви, дарвозалар ҳамда сомонийлар, аштархонийлар даври бинолари тадқиқ этилди.

Бухорода тарихий ўлкашунослик соҳасида йирик тадқиқот ишларини олиб борганлардан бири Мусо Саиджонов бўлиб, у маҳаллий ўлкашунос сифатида ўлкани ўрганишни ўзининг бурчи деб билган. БХСРда юқори лавозимларда банд бўлишига қарамай, маориф муассасаларини очиш, меъморий обидаларни муҳофаза қилиш, тарихий қўлёзмаларни тўплаб тартибга солиш, халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш каби ишларда жонбозлик кўрсатди.

